



IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI
IMAM BUKHARI INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

Imom Buxoriy saboqlari

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal
Spiritual and educational, scientific-literary journal

№ 2 / 2021

IMOM BUXORIY
XALQARO ILMIY-
TADQIQOT MARKAZI –
YANGI
O'ZBEKISTONNING
YANGI TIMSOLI

Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ. Ислом – тинчлик ва маърифатпарварлик дини.....	3
Абдулҳодий ЮСУПОВ, Неъмат ЖАББОРОВ. Асрлар оша синовдан ўтиб келаётган таълимот.....	5

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Дониёр МУРАТОВ. Сунан тўпламлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	7
Давронбек ҚОДИРОВ. Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Бидоятул ҳидоя” асарида қалб гуноҳлари тўғрисида.....	9
Нафиса ҚЎШШАЕВА. Носириддин Тусий дунёқараши шаклланишига таъсир этган ижтимоий-сиёсий вазият ва маънавий муҳит.....	11
Анвар БАБАЕВ. “Саҳихул Бухорий”да тилшунослик сабоқлари.....	13
Мафтуна ОЧИЛОВА. Алишер Навоийнинг “Ҳайратул аброр” достонида сабр талқини.....	14
Абдуси ШОНАЗАРОВ. Имом Бухорийнинг ўзидан “Саҳихул Бухорий” китобини ривоят қилган машҳур ровийлар.....	15

НОДИР МАНБАЛАР

Ширин КУРБОНОВА. “Абваб тасриф манзума” асарида лексик қатлам.....	18
Фируз МУЗАФФАРОВ, Бахши РУСТАМОВ. Муҳаммад Ғаззолий ва унинг “Насихатул мулк” асари ҳақида.....	19
Саидахмадхон ҒАЙБУЛЛАЕВ. “Усулул фикҳ” илмининг уч устуни.....	21

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Ойбек РАШИДОВ. Ўзбекистонда совет бошқарувидаги маҳаллийлаштириш сиёсатининг даврий матбуотда ёритилиши.....	24
Янгибой ТУРДИМУРАТОВ. XX аср биринчи ярмида Сурхон-Шеробод воҳасидаги этномаданий жараёнлар.....	26
Фурқат ТОШБОЕВ, Шаҳриёр ЭШБОЕВ. Ўзбек халқи спорт кийимлари тарихидан: анъанавийлик ва трансформацион жараёнлар.....	28
Жамшид КЎЧАРОВ. Амир Темур ва темурийлар даврида Бухоро воҳасида хунармандлик тараққиёти хусусида.....	30
Вазира САДУЛЛАЕВА. Дониёлбий Оталиқ ва Амир Шоҳмурод даврида Бухорода таълим ва илмий муҳит.....	31
Нигора МАХМУДОВА. Народные суды кочевого населения в Туркестанском крае (по материалам ревизии сенатора К.К. Палена (1908-1909 гг.).....	33
Элдор САТТОРОВ. Илк Ўрта асрларда Суғдда кечган ижтимоий-маиший ҳаётнинг суғдий ҳужжатларда акс этиши.....	35
Сухроб ЭРҒАШЕВ. Ўзбекистонда саводхонлик.....	37
Matlubxon MURTOZAYEV. G'obdin qishlog'i va u yerdagi ziyoratgoh tarixidan.....	39
Абдуракул БОЛТАЕВ. Ўзбекистонда турғунлик йилларида пахтачилик соҳасининг ҳолати.....	41
Ойбек ЯРМАТОВ, Марғуба САТТОРОВА. Ўзбек хонликлари билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий алоқалар тарихининг манбашунослиги (XIX-аср).....	43
Бахтиёр ТУРСУНОВ. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига Самарқанд маънавий-маърифий муҳитининг таъсири (тарихий-синергетик таҳлил).....	45
Шоҳжаҳон РАШИДОВ. Қатағон қилинганлар тақдири: Абдулла Қодирий қандай оқланган эди?.....	47
Умида КУРАНБАЕВА. Абу Райҳон Беруний асарларида суғдликлар тарихининг ёритилиши.....	49
Дилафрўз ТЎХТАБОЕВА. Истиқлол йилларида Асака шаҳри.....	51
Ўқтамбек СУЛТОНОВ. Бурҳониддин Марғинович насаби ва авлодлари тақдири.....	53

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Ilhomjon BEKMIRZAEV, Irodaxon GAFUROVA. Марказий Осиёда маърифий ислом тушунчаси ва унинг ривожланиш босқичлари.....	55
Muzaffar SUVONKULOV. Turklar ma'naviyati va islom.....	58
Қосимбек РАЗЗОҚОВ. Чиштия тариқатида нафс тушунчаси.....	61
Tulkin MARDIYEV. Qur'oni karimda “do'stlik” konseptining ifodalinishi.....	63
Нодирбек ТУРАБОЕВ. Фикҳ илмида “Мухтасар” жанридаги китобларнинг аҳамияти.....	65
Даврон НУРМУҲАММАД. Ҳадис илми ривожидида “Муснад” асарларининг тутган ўрни ва аҳамияти.....	66
Абдулло АБДУХАЛИЛОВ, Рауф БЕКБАЕВ. Понимание инвалидности в исламе.....	68
Нодира СУЛТОНОВА. Ўтмиш ренессанс тарихи ва тараққиётида оила ва никоҳ муносабатлари – энг олий қадрият сифатида.....	70
72..... د. محمد سيد ورداني، "البحوث الإسلامية" .. رسالة لا تموت وجهود لن تتوقف	72

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

Ақтам АВЛАКУЛОВ. Техноген жамиятда инсон муаммоси.....	73
---	----

сақланиб қолган бўлиб, тарихий адабиётларда бу матони XIV-XV асрларда оддий аҳолининг сотиб олишга молиявий аҳволи йўл қўймагани билан боғлиқ маълумотлар мавжуд. Жумладан, Тевтон диний-ришарлик ордени хужжатхонасидаги 1401 йилга оид бир хужжатда орден савдогарларининг занданича сотиб олиш билан боғлиқ маълумотлари мавжудлиги юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларимизни тасдиқлашга хизмат қилади. Бундан ташқари, Россиянинг Новгород шаҳрида археологик изланишлар жараёнида топилган ва қайин пўстлоғига ёзилган XIV-XV асрларга оид ёзувда бир аёл ўзига “Зенден – зядяцу” матосидан сотиб олиб беришларини сўрагани билан боғлиқ маълумотлар топилган[5: 151]. Амир Темур ва темурийлар даврига оид бу маълумотлар Бухоро воҳасида хунармандлик тараққий этгани ва айниқса, занданича матосининг иқлимий шароитлари турли-туман бўлган минтақаларда бирдек қадрланганини кўриш мумкин. Темурийлар давридан бошлаб машҳур бўлган матолардан бири бу олача матоси бўлиб, уни ишлаб чиқаришда Бухоро етакчи ўринда турган. Бухоро яқинидаги Олачабофон қишлоғи ўз замонасининг машҳур олача матоси тўқишга ихтисослашган, хунармандлар яшаган мавзе сифатида танилган[1: 74]. Бухоро Мовароуннахрнинг маданий марказларидан бири бўлиб, нафақат турли-туман матолар ишлаб чиқаришда, балки кийим-кечаклар тиқишда ҳам асосий марказлардан бири бўлгани тарихий адабиётларда қайд этиб ўтилган[5: 129].

Амир Темур ва темурийлар даврида хунармандликнинг сополсозлик йўналишида ўзига хос услублар шаклланиб бўлиб, бу даврда Самарқанд кулолчилиги Мовароуннахрда етакчи бўлгани ҳақида маълумотлар келтирилган. Бухоро, Шахрисабз шаҳарлари Самарқанд кулолчилигининг ўзига хос хусусиятларини ўзлаштирган эди. Тарихий адабиётларда Фиждурон уста кулолларининг Амир Темур ва темурийлар даврида ўзига хос услубга эга бўлгани келтириб ўтилган[5: 131]. Темурийлар даври идишлари тайёрлаш техникасига кўра монохром ва полихром турларга бўлинади. Монохром турдаги идишни асосий ёрқин фони бўйича кўк ранг (кобальт)да нақшланган ёки қора ранг билан нақшланган идиш устидан ҳаворанг сир берилган бўлиб, у анча кам учрайди. Полихром тури эса кўк (кобальт) – тўқ жигарранг ва ҳаворанг бўёқлар намоёнидир. Ушбу турдаги ноёб идишлар археологик тадқиқотларда Амир Темур давлатининг барча йирик марказлари сингари Бухородан ҳам топиб ўрганилган[1: 178].

Бухоро хунармандчилигида яна бир тараққий этган соҳа бу металлга ва, айниқса, қимматбаҳо металлларга ишлов бериш бўлиб, Амир Темур ва темурийлар даврида сопол, чин-

ни буюмлар билан бир қаторда бронза буюмлар ҳам кен қўлланилган[1: 75]. Бу эса, Бухорода металлга ишлов беришнинг тараққий этганини кўрсатади. Бухоро Амир Темур ва темурийлар даврида металл, қимматбаҳо металлларга ишлов бериш марказларидан бири бўлгани ҳақида европалик сайёҳлар ҳам ёзиб қолдирганини кўриш мумкин. Султония архиепископи Иоанн “Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар” асарининг “Темурбек ҳуқумронлик қилган вилоятлар ва ўлкалар хусусида” – деб номланган 9-бўлимида Бухорога таъриф бериб, унинг аъло сифатли олтин ишлаб чиқариш билан ҳам машҳур эканини ёзиб қолдирган[2: 177].

Бухорода қимматбаҳо металлларга ишлов бериш тараққий этиши унинг темурийлар даври молиявий марказига айланишида асосий омил бўлган. Бухоро Мирзо Улуғбек даврида асосий танга зарб қиладиган марказга айланганини тарихий адабиётлар тасдиқлайди. Ташқи савдо учун пул ислохотлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Мирзо Улуғбек буни яхши англади. 1447 йилгача отаси Шохруҳ Мирзо номидан танга пул зарб қилдирган бўлиб, у асосан Самарқандда зарб қилинарди. Улуғбек ҳуқумронлигининг сўнгги йилларида Бухоронинг мамлакат молиявий маркази сифатидаги роли ошиб борган. Чунки 1428-1429 йилларда Бухорода Улуғбек томонидан зарб этилган тангалар мамлакатнинг асосий молиявий муомала воситасига айланган. Археологик ёдгорликлардан 1428-29 йилларга оид тангаларнинг шу вақтгача бўлган тангалар билан бирига топилмагани пул ислохоти ўтказилиб, бошқа тангалар бекор қилинганини англатади. Бухорода 1428-29 йилларда зарб қилинган тангаларнинг олд томони ўртасида “Бухоро” ёки “Зарб Бухоро” деб ёзилган бўлиб, унинг атрофи турли гулсимон нақшлар билан безатилган. Орқа томонида эса, “Фи ат тарих санаи исна салосина ва самиа”, яъни 832 (1428-29) йил деб ёзилган[6: 65]. Тарихчи олим М. Н. Федоров маълумотларида айтилишича, Мирзо Улуғбек 1428-29 йилларда пул ислохоти ўтказиб, қатор шаҳарларда зарбхоналар очган ва пул тўлиқ алмаштирилиб бўлгач, Бухородан бошқа шаҳарлардаги барча зарбхоналарни ёпган[7: 98].

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннахрдаги йирик хунармандлик, савдо-иқтисодий, молиявий марказлардан бирига айланиб борди. Амир Темур, кейинчалик темурийзодаларнинг Бухоро хунармандлигига ҳомийлиги, хунармандлик соҳаларининг ривожига ушбу шаҳарни иқтисодий-ижтимоий ва ишлаб чиқаришдаги роли ортиб бориши билан кейинчалик унинг сиёсий ҳаётга таъсирининг ошишига хизмат қилганди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Амир Темур жаҳон тарихида. –Т.: Шарқ, 1996.
2. Амир Темур Европа элчилари нигоҳида / Руи Гонсалес де Клавихо. Буюк Амир Темур тарихи (1403-1406); Тарж., У.Жўраев. Султония архиепископи Иоанн. Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар. Тарж., Б.Эрматов; Масыул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: Ғафур Ғулوم номидаги матбаа ижодий уйи, 2007.
3. Греков Б., Якубовский А. Золотая Орда (Очерк истории Джучи в период сложения и расцвета в XIII-XIV вв.)/Под редакцией В. Быстрянского. – М.: Госполитиздат, 1941.
4. Рашидаддин. Сборник летописей Том I. Книга вторая/перевод с персидского О.И. Смирновой. Премечания Б.И. Понкратова и О.И. Смирновой. Редакция проф А.А. Семёнова.

♦ **Аннотация:** Ушбу мақолада Амир Темур ва темурийлар даврида Бухорода хунармандлик тараққиёти масалалари тарихий адабиётлар асосида очиб берилган. **Таянч сўзлар:** хунармандлик, савдо-сотик, ахий, мато, зарбофт, занданича, карпас, болиш, упак, олача, упакчилик, полихром, монохром, Тевтон, пул ислохоти, феодал.

♦ **Annotation:** This article deals with the development of crafts in Bukhara in the period of Amir Temur and the Temurids based on the historical literature.

♦ **Аннотация:** В данной статье раскрываются вопросы развития ремесла в Бухаре в период Амира Темура и темуридов на основе исторической литературы.

ДОНИЁЛБИЙ ОТАЛИҚ ВА АМИР ШОҲМУРОД ДАВРИДА БУХОРОДА ТАЪЛИМ ВА ИЛМИЙ МУҲИТ

Дунё давлатлари иқтисодий тараққиёт, сиёсий барқарорлик ва маданий етуқликка эришишнинг асосий тамойили илм-фанни ривожлантириш эканини англаган ҳолда шу соҳага алоҳида эътибор қаратади ва ҳимойлик қилади. 1756-1920 йилларда Бухоро амирлигини бошқарган манғитлар салтанатида ҳам илм-фан ва маданият давлат сиёсати даражасида қараладиган соҳалардан бири эди.

ВАЗИРА САДУЛЛАЕВА

Бухоро давлат университети
таянч докторанти

Бухоро амирлигида фан ва маориф ҳамда маданий ҳаётдаги ўзгаришларни Амир Дониёлбий (1758-1785) давридан бошлаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, аштархонийлар хонадониди юқори лавозимларда фаолият кўрсатиб, кулай вазият туғилиши билан ҳокимиятни эгаллаган Муҳаммад Раҳимбий даврида ҳокимиятни марказлаштириш ишлари олиб борилган. Таълим тизими, маориф ва маданий жараёнлар аштархонийлар давридаги каби давом этган. Амир Дониёлбий ҳокимиятни эгаллагач, жамиятнинг барча соҳалари каби маориф тизимини ҳам қатъий назоратга олган. Олий таълим берувчи мадрасаларнинг фаолиятни мунтазам текшириб бориш тартибини жорий қилган. Туркистон жадидларининг отаси Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг “Амир Дониёлнинг қабрдан ёзмиш мактуби” мақоласида амирнинг таълим тизими соҳасидаги ислохотларини тилга олади. Жумладан, мамлакатнинг тараққий этиши илм-фан билан боғлиқ эканини инобатга олиб, мадрасалар вақфлар ажратилгани, улардан тушадиган даромад асосида мударрисларга маош ҳамда талабаларга стипендиялар жорий қилингани ҳақида маълумот беради [1]. Аммо Амир Дониёлбийнинг сиёсий фаолиятини кескин танқид остига олган Аҳмад Дониш маълумотларида унинг даврида илм-фан таназзул сари юзлангани қайд қилинган. Унинг ёзишича, “Амир Дониёл бошқаруви даврида амирлик пойтахти Бухорода миллат ҳаётида қабих ўзгаришлар юз берди: аксарият мадрасаларда дарс, масжидларда намоз тақиқланиб, мадрасаларнинг хужралари гоҳо мешкобчининг эшаги учун оғилхона, баъзан эса баққолнинг ғалла омборига айланди” [2: 18]. Аҳмад Донишнинг бу маълумотларини ўша даврнинг бошқа манбалари инкор этади. Жумладан, Ўзбекистон Миллий архиви Кўшбеги фондида сақланаётган ҳужжатларда Амир Дониёлбийнинг мадрасалар қурдиргани ва мадраса мударрисларига хазинадан маош тайинлагани хусусида маълумотлар мавжуд. Амир Дониёлбий Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида шу ҳудуд аҳолиси олий диний таълим олиши учун Дониёлбий оталиқ номли мадраса қурдиради. Мадраса талабалари учун махсус низомнома ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, вақфлар ҳисобидан талабага хужра ва стипендия белгилаб қўйилган. Талаба қирқ кун сабабсиз дарсага келмаса, хужрада яшаш ва бошқа ҳуқуқлардан маҳрум қилинган. Мадрасанинг умумий бошқаруви туман қозиси назоратида бўлиб, низомда белгиланган тартибларни бузган мударрис ва талабаларни жазолаш ваколатига эга бўлган. Мадрасанинг ички бошқаруви бош мударрисга тегишли бўлган. Бухоро шаҳри мадрасаларида мударрислик қилган Тожиддин Абдуллоҳ Баҳоуддиндаги ушбу мадрасага толиби илмларга таҳсил бериш учун юборилган. Унга 35 тилла танга маош белгиланган ва яшashi учун мадраса хужраларидан бири тақдим қилинган [3: 40]. Мударрис мадраса талабаларига ҳисоб, ўқиш, ёзиш, араб тили грамматикаси ва диний фанларни ўргатган.

Амир Дониёлбийнинг тахт вориси Шоҳмурод (1785-1800) ҳукмронлиги даврида жамиятнинг барча соҳалари каби маориф ва илм-фан ҳам ривожланиб борди. Шоҳмурод амирлик тахтини эгаллагунга қадар Самарқандда ҳокимлик қилган бўлиб, шаҳарнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий қиёфасини тубдан ўзгартирди. Илм-фанга жиддий эътибор қаратиб, хароба ҳолига тушиб қолган Шайбонийхон ва Хожа Аҳрор Валий мадрасаларини қайта тиклайди. Уларга тегишли вақф мулкларини қайтариб, хужжатларини янгидан расмийлаштиради. Отаси вафотидан сўнг амирлик тахтига ўтиргач, Бухоро шаҳридаги мадрасаларни қайта таъмирлайди, уларга вақфлар тайинлайди [4: 31]. Мадрасаларда илм бериш ишлари ривожланади. Эрназар элчи, Халифа Худойдод, Муҳаммадамин тўпчибоши, Назарак ва Раҳмонқули каби янги мадрасалар бунёд этилади. Бухоронинг Гулобод мавзесида ўзининг номи билан аталувчи мадраса қурдиради [5: 173]. Амир Шоҳмурод даврида хотини – малика Биби Отун ҳам мадраса қурдирган бўлиб, унга “Жаннатмакон” деб ном беради. Тарихий манбалардан замондошлари томонидан Амир Шоҳмурод “жаннатмакон”, деб эъзозлангани маълум. Бундан кўриниб турибдики, малика мадрасани амир шарафига қурдирган. Унинг ҳукмронлиги даврида 75 та масжиддан 50 таси таъмирланган, 3 та мадраса қайта тикланган [6: 6].

Амир Шоҳмурод даврида Халифа Худойдод мажмуаси қурилиши бошланган бўлиб, 1796-1797 йилларда қурилиши тугалланган. Халифа Худойдод ўз даврининг буюк мутафаккири, шоири ва хаттоти бўлган. тарихчи Носириддин Ханафийнинг маълумот беришича, Хоразм вилояти шайхзодаларидан бўлган ҳазрат халифа Худойдод Мир Араб ма-

драсасида 40 йил илм ўрганиш билан машғул бўлган. Ўқишни тамомлагач, ўз юртига қайтмасдан, Пирмаст (ҳозирги Вобкент тумани) туманидаги Кўли Одина қишлоғида яшай бошлайди. Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий мазори ёнида хонақоҳ қурдириб, унга 200 таноб ерни вақф қилган. Амир Дониёлбий даврида Бухоро шаҳрига келиб, 12 таноб ер сотиб олган ва шу жойда тошдан хонақоҳ, 38 хужрали мадраса, сардоба, таҳоратхона ва мақбара қурдирган.

Амир Шоҳмурод даврида мактаб ва мадрасалардаги таълим жараёни тартибга солинган ва улар устидан назорат кучайтирилган. Мактабларда барча болаларни саводини чиқариш учун қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилган. Мадрасаларда ҳисоб, ўқиш, ёзиш, форс ва араб тиллари грамматикаси ҳамда диний билимларни чуқур ўргатиш йўлга қўйилган. Талабаларга мадраса вақфлари ҳисобидан стипендиялар жорий қилиниши ва яшashi учун хужралар тақдим қилиниши илм олишни истаганлар сонини оширди. Амир Шоҳмуроднинг таълим тизимидаги ислохотлари ҳақидаги Садриддин Айний (1878-1954)нинг асарида маълумотлар учрайди. У ўз “Эсдаликларини”да куйидагиларни қайд этиб ўтган: “Амир Шоҳмурод мадраса хужраларини турар-жойга яроқли қилиш мақсадида куйидаги мазмунда фармон чиқарган. Ҳар бир талаба мадраса хужраларининг бирини ўз ҳаржи ва меҳнати билан обод қилиб, унга кириб ўтирса, хужра у талабаники бўлади ва қачонки талаба хужрани тарк этмоқчи бўлса, хужрани тузатишга сарф қилган маблағини бошқа бир талабадан олиб, хужрани унинг номига ўтказиши мумкин”. Бу тадбир яхши натижа бериб, Бухоро ва Самарқанд мадрасаларининг хужралари обод бўлди ва бир канча йиллар мадраса хужраларининг талабадан-талабага ўтиши-тузатишга сарф бўлган ҳақиқий маблағнинг “олди-сотди”си бўлар ва талаба бўлмаган киши, бундай турар жойга яқинлашмас эди” [7: 167]. Яна бир маҳаллий тарихчи олим Аҳмад Дониш ўзининг “Рисола ёҳуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи” номли асарида ёзишича, Амир Шоҳмурод масжидларга имом ва муаззин (азон айтувчи)ларни, хонақоҳларга шайх, мадрасаларга мударрисларни ҳам тайинлайди [8: 25]. Хориж тадқиқотчиси Анке фон Кюгелген тарихий манбаларга таяниб, Амир Шоҳмурод мадрасада тахсил олувчи талабаларга солиқлардан тушган даромад ҳисобидан нафақа (стипендия) тўлашни жорий этгани хусусида маълумот беради.

Амир Шоҳмурод саройида маданий муҳит яхши шаклланган бўлиб, диний фанлар ва тарихнавислик ривожланган. Амир Шоҳмурод Мир Араб мадрасасида чуқур диний таълим олган бўлиб, шариат ва ислом дини арконларига оид билимларни яхши ўзлаштирган. У ханафий мазҳабига доир фатволарни жамлаб, асосан Бухоро уламоларининг фатвоси асосида, “Фатовойи аҳли Бухоро” номли асар ёзган. Афсуски, бу асар тугалланмай қолган [9: 331-333]. Амир Шоҳмурод саройида тарихчи Муҳаммад Яъқуб Бухорий ибн Амир Дониёлбий (Шоҳмуроднинг укаси), тарихчи ва шоир Мирзо Содик Жондорий фаолият кўрсатган. Мирзо Содик Жондорий “Футуҳоти Амри масъум (Шоҳмурод) ва Амир Хайдар” ҳамда “Тарихи Манзум” асарларини ёзган. Амир Шоҳмуроднинг ўғли Мир Ҳусайн (у Мирий номи билан машҳур бўлган) “Маҳазанут тақво” асарини ёзиб, унда манғитлар сулоласи (Муҳаммад Раҳимхон давридан Амир Хайдаргача) ва нақшбандийлик тариқати тўғрисида муҳим маълумотлар берган. Қози ва сўфий Ҳумулий ўзининг машҳур “Тарихи Ҳумулий” асарини шу даврда яратган [10: 38]. Бу асарлар орқали манғитлар даврида Бухоро амирлигининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида тарихий маълумотларга эга бўлиш мумкин. Бухоро амирлари Дониёлбий ва Амир Шоҳмуродлар даврида Бухорода табобат илмини ривожлантиришга ҳам эътибор қаратилган бўлиб, Субҳонқули Аштархоний бунёд эттирган Дорул шифо мадрасаси толиби илмлар билан гавжум бўлган. Ҳунармандлик устахоналаридаги бош усталарга йўналишлар бўйича шогирдлар тайёрлаш бўйича топшириқлар берилган.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро амирлари Дониёлбий ва Шоҳмуродлар даврида таълим тизими алоҳида эътиборли соҳа бўлган. Ҳукмдорлар ёшларнинг билим олишга иштиёқини ошириш, турли соҳаларда хизмат қиладиган малакали ходимлар тайёрлаш учун мактаб ва мадрасалардаги таълим жараёнларини назоратга олди. Илм-фан соҳасида диний фанлар, фалсафа ва тарих соҳасида фаолият юритувчи уламолар етакчилик қилди. Табиий ва аниқ фанлар соҳасида эса, ўрта мутафаккирлари Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Хоразмий, Абу Наср Форобийларнинг илмий тадқиқотларига таянилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Маҳмудхўжа Бехбудий. Амир Дониёлнинг қабрдан ёз-

миш мактуби/Шўро, 1912. № 23.

2. Аҳмад Дониш. Рисола ёҳуд Манғитлар хонадони

салтанатининг қисқача тарихи. Таржима, изоҳлар ва кириш сўзи муаллифи Қ. Йўлдошев. –Т.: Ўз МЭ нашриёти, 2014.

3. Ўз МА, И-126 фонд, 1-рўйхат, 1990-иш, 40 varaқ.

4. Мирза Абдулазим Сомий. Манғит султонлари тарихи ёки Бухоро хонлигининг инкирози. Форс-тожик тилидан И. Султонов таржимаси // Шарқ юлдузи, 1993. № 3-4.

5. Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон. –Т.: Янги аср авлоди, 2008.

6. Sobolev L. Latest history of the Khanates of Bokhara and Kokand. Translated from the Russian of the "Turkestan gazette" for 1876 by P. Mosa. –Calcutta: Foreign department press. 1876.

7. Айний С. Эсдалиқлар // Асарлар. 8 томлик 2-том. –Т.: Ўз ССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1965.

8. Аҳмад Дониш. Рисола ёхуд Манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи. Таржима, изоҳлар ва кириш сўзи муаллифи Қ. Йўлдошев. –Т.: ЎзМЭ нашриёти, 2014.

9. Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков. (XVIII-XIX вв.). –Алматы., Дайк-Пресс. 2004.

10. Ражабов Қ. Амир Шоҳмурод ёхуд "амири масъум" // Бухоро мавжлари, 2006. № 1.

♦ **Аннотация:** Ушбу мақолада Бухоро амирлари Дониёлбий ва Шоҳмуродларнинг таълим тизими ва илм-фанга оид сиёсатлари, мактабларда дарс жарёнларининг ташкил этилиши, мадрасалар қурилиши ва уларнинг фаолияти, диний билимлар ривожига ҳақида маълумот берилди. **Таянч сўзлар:** таълим, илм-фан, мактаб, мадраса, улама, диний билимлар, тарихнавислик, вақф.

♦ **Annotation:** This article provides information on the education system and scientific policy of the Emir of Bukhara Danielbi and Shah Murad, the organization of classes in schools, the construction and operation of madrasahs, the development of religious knowledge. **Keywords:** education, science, school, madrasah, ulem, religious knowledge, historiography, vakf.

♦ **Аннотация:** В данной статье представлена информация о системе образования и научной политике эмира Бухары Даниэльби и Шаха Мурада, организации занятий в школах, строительстве и работе медресе, развитии религиозных знаний. **Ключевые слова:** образование, наука, школа, медресе, улема, религиозные знания, историография, вакф.

НАРОДНЫЕ СУДЫ У КОЧЕВОГО НАСЕЛЕНИЯ В ТУРКЕСТАНСКОМ КРАЕ (ПО МАТЕРИАЛАМ РЕВИЗИИ СЕНАТОРА К.К.ПАЛЕНА (1908-1909гг.)

НИГОРА МАХМУДОВА

Доцент Бухарский государственный университет, доктор философии (PhD) по историческим наукам,

В связи с завоевательной политикой Царской России и образованием Туркестанского генерал-губернаторства, одной из задач являлось изучение судебно-правовой системы, существовавшей среди местного населения. В материалах ревизии сенатора К.К.Палена приводятся сведения о действовавших народных судах кочевого населения, которые представляли собой многочисленный род или объединившиеся группы со старейшиной (бием) во главе, обладавшим неограниченной властью. Суд решал дела по обычаям, а дела по семейному праву и уголовному, как самые важные решались на общих собраниях, пиршествах или поминках. Обычно все вопросы решались силой; всякие обиды и даже убийство внутри рода влекли «лишь уплату куна» [1: 53], а если вне рода, то «отмщение являлось оплатой чужеродцу» [1: 37]. С принятием Положения в 1865г. право выбора биев было предоставлено губернатору, а дела об убийстве, грабеже и баранте [2] были изъяты из ведения народного суда. Для кочевников было установлено три инстанции народного суда:

1. Бий, решающий дела на сумму до 100 руб. (5 лошадей или 50 баранов);
2. Волостной съезд с бием, решающий дела до 1.000 руб.;
3. Чрезвычайный съезд, являющийся апелляционной инстанцией для исков на сумму свыше 1.000руб и первой и единственной инстанцией для решения уголовных дел [1: 37].

Русская администрация оговорила в примечании к §198 проекта, что уголовными делами у киргизов считаются баранта и убийство, и к §208 особый порядок обжалования дел по семейным вопросам.

Еще одним из нововведений проекта для киргизов – выборное начало для народных судов, что повлияло на сложившиеся отношения как внутри рода, так и между родами, т.к. администрация, из «опасения сплочённости киргиз», изменила принципы объединения по волостям. Например, в Сырдарьинской и Семиреченской областях, администрация приняла за основание деления волостей и аулов лишь количество кибиток, умышленно разделила по разным волостям и аулам кибитковладельцев одного рода, соединив их с другими родами. Вследствие чего, в выборных компаниях прослеживалась коррупция и интриги. Победивший род в ходе выборной компании мстил своим соперникам: притеснениями или даже больше того, предъявляя им ложные иски. «Цель» русской администрации – «внедрить цивилизованный, европейский суд», привел к «главной цели» – разрушить единство между родами, и в принципе они этого добились.

Необходимо отметить, что существовала разница между народными судами у кочевников и оседлого населения.

У кочевого населения число народных судей значительно больше, чем у оседлого, а именно: на волость не меньше 4 судей и не более одного на каждое аульное общество, тогда как у оседлого населения один судья ведёт дела нескольких волостей – ст.222 Положения.

У оседлого населения, каждый судья имеет свой определённый территориальный район, а у кочевников съезды образуются в каждой волости. Жалобы на неоконченные решения подаются у оседлого населения уездному начальнику, а у кочевников – волостному управителю – ст.243.

Чрезвычайные съезды оседлого населения состоят из судей тех судебных районов, к которым принадлежат стороны, а у кочевников съезды образуются из судей тех волостей, к которым принадлежат стороны, а также из назначаемых уездным начальником, причём, при его же присутствии. В противоположность судьям оседлого населения, народные судьи у кочевников не решают вопросы по опекунам делам.

Ещё одно существенное различие в ведении судебных разбирательств между оседлым и кочевым населением то, что киргизы постоянно перекочёвывают, добыть доказательств вины или свидетелей крайне тяжело, поэтому они применяют свойственный только кочевникам метод доказательства своей невиновности – это применение «кумана» – присяги, «присягателями должны быть почётные лица общества» [1: 44], которые подтверждают его невиновность и суд постановляет оправдательный приговор. Мало того родовые группы не только несут круговую ответственность преступления сородичей, но и, если надо, выплачивают штраф.

Следует отметить, что кроме единоличных народных судей и их съездов, у кочевников существовали ещё две особые судебные инстанции:

- 1) суд посредников (третейский суд) и
- 2) чрезвычайные съезды народных судей.

Третейский суд имел право разбирать дела по гражданским вопросам, однако, как выяснилось в ходе ревизии, было отмечено факты о ведении не только семейных, но и уголовных дел, с приговорами вплоть до заключения под стражу, которые при выявлении отменялись Ташкентским окружным судом. По ст.247 Положения «Чрезвычайные съезды народных судей назначаются по распоряжению Губернатора для решения дел, на которых участвуют жители разных уездов или волостей [1: 49]». Все прибывшие на съезд судьи, выбирают